

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

14/22-сонли Ш А Р Т Н О М А

Фаргона ш.

“07” *May* 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи “Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Ш.Пўлатов биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи “UNIVERSAL VARIANT” МСНД директори Д.Нурматов орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18- март кунги 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-172-сонли қарорига асосан **Фаргона вилояти Бувайда туман Хасанқургонча МФЙ Мустақиллик тонги кўчаси жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ишларини топширади**, “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ККС сиз **3280000 (Уч миллион икки юз саксон минг) сўмни** ташкил қилади.

2.2 “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30% миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан сўнг 5 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиха смета хужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган

топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Кўшимча шартлар

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун

мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш «Буюртмачи»ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Ҳазначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга кириши ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БУЮРТМАЧИ»

"Фарғона минтақавий йулларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси

Манзил: Фарғона ш. Аэропорт кўчаси 1-уй
ШХР: 304521860302127045129118012

Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ҳазначилиги

х/р: 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919
Банк: ХККМ МБ Тошкент шаҳри Бош
бошқармаси



Директор  Ш.Пўлатов

«БАЖАРУВЧИ»

“UNIVERSAL VARIANT” MCHJ

Кукон шаҳар, А.Т.Хукандий 46Б/1

х/р 20208000300486505001

ЧЭКИ Хамкор банк кукон филиали

МФО 00956 ИНН 303411618

ОКОНХ 66000

Тел +99893-001-45-00



Директор  Д.Нурматов

Ҳуқуқшунос  А.Алиев Р.